



2014 йил – Соғлом
бола йили

ПОЙТАХТНИНГ БИР
КУНИ



ФАРЗАНДЛАР ЮТУҒИ — ОНАЛАР БАХТИ

Пойтахтлик Марзияхон Очилова оиласи фаровонлиги ва фарзандлари камолоти учун ўзини бағишлаган фидойи аёллардан. Турмуш ўртоғи Фазлиддин Очилов билан биргаликда фарзандлари Нодирбек ва Баҳоранинг шахмат оламида танилишида ғамхўрлик қилиб келаётган бу аёлнинг бахтига кўпчилик ҳавас қилади.

Нодирбек 2011 йилда шахмат бўйича 8 ёшгача болалар ўртасидаги жаҳон чемпионатида ғолиб чиқиб, дунёнинг энг ёш чемпиони, деб эътироф этилган бўлса, Баҳора 2013 йилда 14 ёшгача қизлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида қумуш медални қўлга киритди.

Икки ўғил, бир қизни оқ юиб, оқ тараб ўстираётган оила соҳибсининг фарзандлари келажагидан кўнгли тўқ. Тўнғич фарзанд Охунжон спортни танламаган бўлса-да, шахматни яхши тушунади.

– Ўқувчилик давримда ўзим ҳам спортга қизиқардим, волейболчи бўлишни орзу қилардим, – дейди Марзияхон. – Лекин у пайтларда «қиз болага спортнинг нима кераги бор?» деган қолоқ тушунча бор эди. Спорт билан шуғулланишни истаган қизлар «уй ишлари қараш», деган жавобни оларди. Қолаверса, спорт билан шуғулланиш учун етарли шaroит бўлмаган.

Марзияхон таърифлаган манзараларни бугунги кун билан асло солиштириб бўлмайди. Бугун юртимизнинг чекка қишлоқларида ҳам фарзандларимиз

нинг спорт билан шуғулланиши учун барча шaroит ва имкониятлар яратилган.

Президентимиз Ислom Каримов таъкидлаганидек, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш – келажаги буюк давлат пойдеворини қуриш, дунёда ўзимизга юксак обрў эгаллаш демакдир. Мамлакатимизда барпо этилган 1600 га яқин болалар спортни иншоотида 65 мингдан зиёд тўғарақ фаолият кўрсатмоқда. Ушбу секцияларда икки миллионга яқин бола спортнинг ўттиздан зиёд тури билан мунтазам шуғулланмоқда. Уларнинг 840 минг нафардан ортиги қизлардир. Яратилган замонавий шaroит туфайли спорт билан шуғулланаётган қишлоқ болаларининг сони 2003 йилдаги 14,7 фоиздан 2013 йилда 43 фоизгача, шу жумладан, қиз болалар улushi 17,8 фоиздан 37,9 фоизгача ўсди.

Энг муҳими, ота-оналарнинг дунёқарашини ўзгариб, улар жисмоний тарбия ва спортга бола тарбиясининг муҳим мезони сифатида қарай бошлади.

(Давоми 4-бетда)

БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИДА ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДАГИ РАСМИЙ ҲУЖЖАТ ТАРҚАТИЛДИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги қароргоҳида Ўзбекистонни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари ҳақидаги маълумотлар Бош ассамблея 68-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида тарқатилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислom Каримовнинг 2014 йил 17 январь куни Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган мажлисдаги маърузасининг асосий мазмунини баён этилган.

Хусусан, ҳужжатда ўтган йили Ўзбекистонда ўсишнинг юқори барқарор суръатлари сақлангани, макроиқтисодий мувозанат ва иқтисодиётни модернизациялаш таъминлангани қайд этилади. Мамлакатимиз ялли ички маҳсулоти 8 фоиз ўсди, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,8 фоизга, қишлоқ ҳўжалиги – 6,8 фоиз, чакана савдо айланмаси – 14,8 фоиз ошди. Инфляция даражаси прогноз кўрсаткичидан паст бўлди ва 6,8 фоизни ташкил этди. Унда макроиқтисодий кўрсаткичлар билан бирга, мамлакатимизда ўзлаштирилган умумий капитал қўйилмалар ҳажмининг 3 миллиард доллардан ортигини хорижий инвестициялар ташкил этгани, экспорт ҳажмининг ошгани ва банк тизимининг барқарор фаолият кўрсатаётгани хусусидаги маълумотлар ҳам ўз ифодасини топган.

Мазкур ҳужжатда қайд этилганидек, фақатгина ўтган йилнинг ўзида юртимизда 26 мингдан зиёд кичик бизнес субъекти иш бошлади, ушбу секторда фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг умумий сони йил охирига келиб 190 мингга етди. Иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича минтақавий дастурларнинг амалга оширилиши натижасида 2013 йилда қарийб 970

минг киши иш билан таъминланди ҳамда бу иш ўринларининг 60,3 фоиздан ортиғи қишлоқ жойларда яратилди.

Давлатимиз раҳбари ҳал этилмаган мавжуд муаммоларнинг бутун тафсилотлари таҳлилига алоҳида эътибор қаратгани ҳамда 2014 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устуворликлари ва йўналишларини бажариш бўйича дастурий вазифаларга батафсил тўхталгани мазкур ҳужжатда алоҳида таъкидланади. Улар орасида бизнес юритиш учун амалий қўлай шaroит яратилиши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши ва рағбатлантирилиши, ижтимоий соҳанинг ривожланиши, янги иш ўринларининг барпо этилиши, қишлоқ жойларда уй-жойлар қурилиши ҳамда ободонлаштириш, таълим, соғлиқни сақлаш жабҳаларининг ислоҳоти ва такомиллаштирилиши билан боғлиқ масалалар ўз аксини топган.

Ҳужжатнинг хулоса қисмида республика Ҳукумати мажлисининг яқунлари бўйича олдинга қўйилган вазифаларнинг амалга оширилишини таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирлар белгилангани қайд этилади.

Ҳужжат матни Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳузуридаги Доимий ваколатхонаси томонидан ушбу халқаро ташкилотнинг расмий олти тилида тайёрланди ва БМТ Бош котибига тақдим этилди.

«Жаҳон» АА



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Хоразм вилояти мудофаа ишлари бошқармаси йилги пунктида муддатли ҳарбий хизматга чақирилган йигитларни кузатиш маросими бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлимлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши вакиллари, ота-оналар иштирок этди.

● Нукусда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун қўлай шарт-шaroит яратиш ва уларни қўллаб-қувватлашга бағишланган семинар бўлиб ўтди. Прокуратура, ички ишлар, солиқ идоралари ходимлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари иштирок этган тадбирда мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилгани, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилиб, уларни молиявий қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

● Фарғонада ёшларни тадбиркорликка кенг жалб этиш, тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга бағишланган «Ёш тадбиркорлар – банк эътиборида» мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Унда банк-молия муассасалари раҳбарлари, касб-хунар коллежлари биттирувчилари иштирок этди. Тадбирда бир гуруҳ касб-хунар коллежи биттирувчиларига тижорат банкларининг имтиёзли кредитини олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

● Қарши давлат университетиди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитаси, вилоят ҳокимлиги ҳамда вилоят ҳудудий инновация ва технологиялар трансфери маркази ҳамкорлиқда инновацион гоёлар, технологиялар ва лойиҳаларнинг ҳудудий тақдиротини ташкил этди. Ярмаркада 140 дан ортиқ инновацион гоёлар, технологиялар ва лойиҳаларнинг тақдироти бўлди.

ЖАҲОНДА

● Хитойнинг Хэбей музофотида қарашли Шицзячжуан шаҳрида яшовчи Ли Гуйсин шаҳар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бюросини ўз ишига совуқ-қуруқ муносабатда бўлаётганлиқда айблаб судга берди. Давоғар шаҳардаги экологик вазият тобора ёмонлашиб бораётгани сабабли қайта-қайта никоб ва ҳаво тозалагич ускунаси сотиб олишга мажбур бўлаётганини рўқач қилиб, бюродан 10 минг юан тоvon пули ундириб беришни суддан талаб қилмоқда. Суд қандай қарор чиқариши ҳозирча номаълум.

● Линкольн ва Ноттингем университетлари олимлари гриппга қарши эмлаш чорасининг киши саломатлигига фойдасининг янги қирраларини кашф этди. Яъни, эпидемик мавсумда эмлаш тадбири бутун мавсум давомида орак-қон томир хасталиқларига, аниқроғи, инсультга чалиниш даражасини сезиларли равишда камайтириши исботланди.

● Аргентиналик машҳур футбол юлдузи Диего Марадона жорий йилда Бразилияда ўтказиладиган жаҳон чемпионатида шарҳловчи сифатида фаолият кўрсатадиган бўлди. У Лотин Америкасининг «Telesur» канали орқали ўйинларни шарҳлаб боришга келишиб олди. Маълумотларга кўра, Марадона чемпионат пайтида ҳар куни эфирга узатиладиган таҳлилий кўрсатувни олиб боради ва «Мундиал»даги энг муҳим лавҳаларни таҳлил қилади.

8 март — Халқаро хотин-қизлар куни

ЮРТИМИЗНИНГ ҚАҲРАМОН АЁЛЛАРИ

...Мавлуда Исмаилованинг умри ўқитувчиликда ўтмоқда. Касбининг машаққати сочларини анча оқартирганига қарамай, ҳамон ўқтам, айни пайтда болалардек беғумор ва самимий. Муаллима ўқувчиларга билим бериш билан бирга одамийлик, меҳнатсеварлик, фидойилик, меҳр-оқибатдан сабоқ беради. Чорак аср муқаддам бундай фазилатлар соҳибаси бўлмиш оддий ўқитувчининг меҳнати эъзозланиб, Ўзбекистон Қаҳрамонидек олий мукофотга лойиқ топилишини тасаввур ҳам қилиб бўлмасди.

Президентимиз Ислom Каримов раҳнамолигида опа-сингилларимизни эъзозлаш, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, муносиб меҳнат, турмуш шaroити яратиш, фаолиятини ҳар томонлама рағбатлантириш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган.

Истиқлол йилларида баркамол авлодни тарбиялаш, Ватанимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрўсини юксалтириш, ислохотлар ривожига фаол хисса қўшаётган ҳамюртларимиз Ватанимизнинг юксак мукофотлари, жумладан, Ўзбекистон Қаҳрамони унвонига сазовор бўлмоқда. Улар сафида муҳтарама аёллар ҳам борлиги

хотин-қизларнинг ҳалол ва фидокорона меҳнатини қадрлаш, эзгу интилишларини эътироф этиш, уларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш борасидаги юксак эътиборнинг амалдаги яққол намунасидир.

Мамлакатимизда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга доир миллий тизимга асос солинди. Соҳага оид қабул қилинган кўплаб ҳужжатларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилиши аёлларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамият ҳаётидаги ўрни ва нуфузини ошириш борасидаги изчил ислохотлар муваффақиятининг бош омили бўлиб хизмат қилмоқда.

Юртимизда оила, оналар ва болалар манфаатларини ҳимоялаш борасида ҳуқуқий асослар яратилиб, улкан тажриба тўпланди. Бу борадаги эзгу сазй-ҳаракатлар ижтимоий-иқтисодий соҳаларда фидойилик билан меҳнат қилаётган хотин-қизлар меҳнатини муносиб қўллаб-қувватлаш, уларга чексиз ҳурмат-эҳтиром кўрсатишга доир кенг қўламли эзгу ишлар билан ҳамохан тарзда олиб борилаётгани диққатга сазовордир.

Ўтган вақт мобайнида таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, миллий ҳунармандлик, ишлаб чиқариш, фермерлик каби турли соҳаларда ибратли фаолият кўрсатаётган ўн уч нафар аёл Ўзбекистон Қаҳрамони унвони билан тақдирланди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон Республикаси халқ рассоми Муяссар Темирова зардушлик бўйича кўплаб шогирдлар етиштирган. Қўли гул чеварнинг қалб кўри, кўз нури, маҳоратидан бунёд бўлган бадиий буюмлар юртимизнинг табарруқ қадамжолари, муҳташам санъат ва маданият қосоналарини бебаб турибди. Ойшахон Кўчқорова, Онезия Сайтова каби шифокорларнинг меҳнати туфайли миллимиз генофондини янада соғломлаштириш, чақалоларнинг саломатлиги ҳақида ғамхўрликни кучайтириш каби эзгу ишлар самараси тобора ортмоқда.

(Давоми 3-бетда)

БАҒРИКЕНГЛИКНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

Олий Мажлис Сенатининг 2013 йил 12 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма бир йиллиги муносабати билан Амнистия тўғрисида» ги Қарори нафақат демократик жамиятнинг устувор тамойилларини, балки миллий қадриятларимиз негизи бўлган бағрикенглик ва кечиримлилиқ каби фазилатларини ўзида мужассамлаштирган.

Мазкур қарорнинг ўз вақтида ва тўғри ижро этилишини таъминлаш ҳамда қўллаш жараёнида қонунбузарликнинг олдини олиш мақсадида Бектемир туманида ҳам ҳудудий комиссия тузилган. Унинг иш режасига мувофиқ, энг аввало Қарорнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш учун туман маҳаллаларида, қорхона, ташкилотларда аҳоли ва ходимлар, ўқув муассасаларининг ўқувчилари ўртасида жами 18 дан ортиқ учрашувлар, суҳбатлар ўтказилди ва оммавий ахборот воситалари орқали чиқишлар қилинди.

Қарорда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахсларни тиббий ва ижтимоий муҳофаза қилиш, моддий ёрдам кўрсатиш, уларни меҳнатга жалб этиш борасида ҳам туман прокуратураси, ИИБ, тиббиёт бирлашмаси, бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш маркази ҳамда бошқа мутасадди идоралар томонидан амалга оширилиши лозим бўлган барча чора-тадбирлар ҳаётга ичкил татбиқ этиб бориляпти.

Хусусан, Амнистия тўғрисидаги қарорга мувофиқ жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилиб, яшаш манзилларига келганлар туман тиббиёт бирлашмасида тиббий кўрикдан ўтказилиб, зарур ҳолатларда саломатликларини тиклаш учун даволаш муассасаларига ётқизилмоқда. Туман ИИБ ходимлари томонидан, озод этилганларнинг фуқаролик паспортларини тиклаш, рўйхатдан ўтказиш, расмийлаштиришда амалий ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Шунингдек, уларни ишга жойлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, мутахассислиги бўлмаганларга касбларга ўқитиш, қайта тайёрлаш бўйича тақлифлар бериляпти.

Бундан ташқари туман прокуратурасининг тақдимномасига асосан Амнистия тўғрисидаги қарорни қўллаш бўйича илтимосномалар судга киритилиб, жиноят ишларини ҳаракатдан тугатиш борасида ҳам чоралар қўриляпти.

Масалан, 2013 йил 6 декабрь куни фуқаро И.Соипов (исми-шарифи ўзгартирилган) Бектемир тумани Х.Бойқаро кўчасида фуқаро М.Пўлатов билан ўзаро мижоз талашиб, М.Пўлатовнинг юз қисмига бир неча маротаба уриб унга соғлигининг қисқа муддатга бузилишига олиб келган енгил тан жароҳати етказиб Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган. Фуқаро И.Соиповнинг жиноят иши юзасидан, Бектемир туман прокуровори томонидан унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2013 йил 12 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма бир йиллиги муносабати билан Амнистия тўғрисида» ги Қарорнинг 2 ва 6-бандларига асосан айблилиқ масаласини ҳал қилмасдан туриб жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ҳақида жиноят ишлари бўйича Бектемир туман судига илтимоснома киритилган.

Суднинг 2014 йил 6 январдаги ахрими билан И.Соиповга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма бир йиллиги муносабати билан Амнистия тўғрисида» ги Қарорининг 2 ва 6 бандлари қўлланилиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 1-қисми билан унинг айблилиқ масаласи ҳал қилинмай жиноят иши қўзғатиш рад этилган.

Туман суди томонидан моддий зарар билан боғлиқ Амнистия актига асосан тугатилган ишлар бўйича туман прокуратураси томонидан 10 тадан ортиқ моддий зарарларни ундириш бўйича фуқаролик ишлари бўйича судларга даъво аризалари киритилган.

Авф этилганлар давлатимизнинг инсонпарварлик сиёсатига шукроналар билдириб, бундан буён ҳалол яшашга, жамиятга фойда келтиришга аҳд қилишяпти. Биз бундай эзгу ниятларнинг амалга ошиши нафақат уларнинг ўзига, балки жамият аъзоларининг бу шахсларга нисбатан кўрсатилган меҳр-муруватига, мутасадди ташкилотларнинг озодликка чиққанлар, авф этилганларнинг ҳаётга мослашуви, ижтимоий муҳофазасига боғлиқлигини теран англаймиз. Шу боис ҳам туманимизда бу борада олиб борилаётган ишлар, қўрилаётган чора-тадбирлар умуминсоний қадриятларнинг яна бир амалий ифодаси бўлган Амнистия тўғрисидаги қарор ижросининг тўла-тўқис бажарилишини таъмин этишга қаратилмоқда.

Шухрат МУХАМЕДОВ,
Бектемир тумани прокуровори,
адлия катта маслаҳатчиси

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг янги дизайндаги www.wcu.uz расмий сайти ҳамда тадбиркор, касаначи аёлларнинг www.bizayol.uz расмий веб-портали тақдимоти бўлиб ўтди.

Тадбирда Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Абдурахимова, Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси раиси Ш. Фуломов ва бошқалар Ўртабшумиш раҳнамолигида матбуот соҳасини изчил ривожлантириш, кишиларнинг ахборот олишга оид ҳуқуқ ва кафолатларини таъминлаш, барча соҳалардаги ахборот-коммуникация технологияларини ҳаётга кенг жорий этиш юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳусусида батафсил тўхталиб ўтишди.

Маълумки, сўнгги йилларда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳам электрон ахборот тизимини ислоҳ қилиш борасида бир қатор ютуқларга эришди. Янгиланган расмий веб-сайти, ягона интерактив давлат хизматлар портали www.mv.gov.uz га аъзо бўлгани, шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган юртимиз гендер статистикаси бўйича илк www.gender.stat.uz веб-сайтини яратишда ҳамкорлик қилгани муҳим аҳамиятга эгадир.

Президентимизнинг 2013 йил 31 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси ахборот-коммуникация тех-

нологияларини ривожлантириш ҳолатини баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарорига биноан Хотин-қизлар қўмитасининг интернетдаги расмий веб-сайти дизайн ва техник жиҳатдан янгиланди.

Эндиликда унинг саҳифалари орқали юртимизда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ҳимоялаш ва бошқа манфаатларини таъминлашга оид яратилган тизим, унинг мазмун-моҳияти, қўмита фаолияти ва соҳага оид янгиланишлар билан мунтазам равишда танишиб бориш мумкин.

Шунингдек, «Интерфаол хизматлар», «Мутахассисларнинг ахборот, молиявий ва маслаҳат қўмағи» сингари махсус руқналарнинг ташкил этилиши эса тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагида бўлган аёлларни бефарқ қолдирмайди.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг Коммунал хўжалик ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари бўйича доимий комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг доимий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга қўмаклашувчи шаҳар Ишчи гуруҳи ҳамкорлигидаги навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

ДОИМИЙ КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

Йиғилишда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2013 йил 10 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 5 июлдаги ПҚ-1996-сонли Қарорига асосан шаҳардаги кўп қаватли уй-жой фонди, ижтимоий-иқтисодий соҳа объектларини барқарор коммунал хизматлар билан таъминлаш, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва бошқарув компаниялари фаолиятини ривожлантириш мақсадида, маҳалла, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари, бошқарув компаниялари, коммунал хизмат кўрсатиш қорхоналари ва аҳоли ўртасида ўзаро ҳамкорлик тизимини янада жадаллаштириш тўғрисида» ги Қарорининг ижроси кўриб чиқилди.

Юқоридаги қарор бўйича шаҳар коммунал тизими соҳасида белгилаб олинган вазифалар, жумладан, кўп қаватли уйларда жойлашган хонадонларнинг том қисмларини, йўлакларини, эшикларини, лифтлини жорий таъмирдан чиқариш, яроқсиз ҳолга келиб қолган ва йиллар давомида ишламаётган лифтлини янги лифтларга алмаштириш, ҳар бир кўп қаватли уйларга алоҳида электр ҳисоблагич анжомларини ўрнатиш, уйлар-

нинг ертўла қисмлари санитар ҳолатини (тозаллигини) тартибга келтириш, коммунал хизмат кўрсатиш қорхоналарининг шакллантирилган дастури доирасида муҳандислик тармоқларини жорий таъмирлаш ҳамда мавжуд муаммоларни ҳал этиш масалалари муҳокама этилди.

Шунингдек, доимий комиссия йиғилишида «Сувсоз» давлат унитар қорхонаси томонидан шаҳар аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар ҳам кўриб чиқилди.

Йиғилиш кун тартибидagi масалалар юзасидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари Х.Маҳмамов, Х.Мўминов, Х.Бабаҳанова, М.Қосимов, Ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси бош директори И.Маҳмамов, «Сувсоз» ДУК раҳбари вазифасини бажарувчиси Б.Маннонов ҳамда туман коммунал таъмирлаш ва аварияни тиклаш хизмати раҳбарларининг фикр-мулоҳазалари тинланди.

Йиғилиш якунига кўра доимий комиссия томонидан кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.



Қарор ва ижро

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 25 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги асосий макроеқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджет параметрлари тўғрисида» ги Қарорга мувофиқ 2014 йил 1 январдан бошлаб жисмоний шахсларнинг мулкрий даромадларидан тўланадиган даромад солиғи бўйича жисмоний шахслар томонидан автотранспорт воситаларини ижарага беришда ижара тўловининг қатъий меъёрлари белгиланди.

ФУҚАРОЛАРНИНГ АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ ИЖАРАГА БЕРИШДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Унга кўра, жорий йилдан жисмоний шахсларнинг автотранспорт воситалари учун ойлик ижара тўловининг энг кам миқдорлари белгиланди. Енгил автомобиллар (йўловчи, юк ташиш учун мўлжалланган ва ҳайдовчи ўриндиғини ҳисобга олмасдан ҳолда 8 та ўриндиқкача бўлган автотранспорт воситалари) битта автотранспорт воситаси учун 220 минг сўм, микроавтобуслар, автобуслар ва юк ташиш автомобиллар учун 430 минг сўмдан иборат бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 181-моддасига кўра жисмоний шахсларнинг кўчмас мулкни ижарага беришдан олган даромади жисмоний шахсларнинг даромадидан олинадиган солиқ шаласининг минимал ставкасида солиққа тортилади, яъни 2014 йил 1 январдан ижара тўловининг 7,5 фоиз ставкада даромад солиғи ҳисобланади.

Солиқ кодексининг 192-моддасига кўра, мол-мулкни ижарага беришдан даромад олаётган жисмоний шахс, агар ушбу даромадларга жисмоний шахслардан оли-

надиган даромад солиғининг тўлов манбаида солиқ солинмаса, белгиланган муддатларда жами йиллик даромад тўғрисида доимий яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органига декларация тақдим этиш билан бир қаторда ижарадан даромадлар пайдо бўлган кундан эътиборан биринчи ой тугаганидан кейин беш кунлик муддатда дастлабки тарздаги декларация ҳам тақдим этади. Жами йиллик даромад тўғрисидаги декларация давлат солиқ хизмати органига ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 апрелидан кечиктирмай тақдим этилади.

Мол-мулкни ижарага беришдан даромадлар олиш тугаган тақдирда жисмоний шахс доимий яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органини бу ҳақда ёзма шаклда хабардор этади.

Шунингдек, Солиқ кодексининг 193-моддасига кўра, мол-мулкни ижарага беришдан даромадлар оладиган жисмоний шахслар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини тақдим этилган дастлабки декларация асоси-

да ҳар ойда даромад олинган ойдан кейинги ойнинг бешинчи кунигача тўлайдилар. Йил тугагач, жисмоний шахсларнинг даромадларидан олинадиган солиқнинг йиллик суммаси ҳақиқатда олинган даромад бўйича ҳисоблаб чиқарилади. Бу сумма билан йил мобайнида тўланган суммалар ўртасидаги фарқ келгуси йилнинг 1 июнидан кечиктирмай солиқ тўловчидан ундирилиши ёки унга қайтарилиши керак.

Сергели туман давлат солиқ инспекцияси томонидан қонунчиликнинг ушбу талабларига риоя этилиши юзасидан мунтазам ишлар олиб боришмоқда. Қорхона, ташкилотлар, маҳаллаларда фуқаролар билан учрашувлар ташкиллаштирилиб, тегишли тартиб-қоидалар тушултирилмоқда. Автотранспорт воситаларини ноқонуний равишда ижарага берган жисмоний шахслар аниқлашиб, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилмоқда.

Фарҳод УРМОНОВ,
Сергели тумани
ДСИ бошлиғи

Анжуманда, қўмита веб-саҳифаси ҳамда порталининг имкониятлари, мавзулар қўламини, дизайни ва барча жиҳатлари ҳақида маълумотлар берилди. Веб-сайтнинг янги дизайни, ундаги янгиланишлар ва кенг имкониятлар слайдлар орқали журналистларга тақдим этилди.

Бундай янгиланишлардан асосий мақсад — Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда оммавий ахборот воситалари ўртасида муносабатларнинг устувор жиҳатларини тўғри белгилаб, ахборот соҳасидаги ўзаро ҳамкорлиқни ҳолисона ташкил этиш ва тизимда олиб борилаётган кенг қамровли ислохотларни жамоатчилик эътиборига замонавий ва тезкор тарзда етказиб беришнинг имкониятларини тақдим этишдир.

Жумладан, тадбир доирасида Хотин-қизлар қўмитаси муассислигида чоп этилаётган нашрлар ҳамда ҳудудий қўмиталар ўртасидаги ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш,

нашрлар фаолиятини янада яхшилаш, моддий базасини яратишда ёрдам кўрсатиш, газеталарнинг ижодий жамоалари салоҳиятидан унумли фойдаланишни ташкил этиш масалалари муҳокама этилди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Босит-хонова қатнашди.

Гулҳебра ДҲРДИЕВА

ТАДБИРКОРЛАР БИЛАН ОЧИҚ МУЛОҚОТ

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тадбиркорликни ривожлантириш, хусусан, ишлаб чиқариш салоҳиятини юксалтириш, хизмат кўрсатиш қўламини кенгайтириш ва бу борада соҳа вакилларига зарур амалий қўмак бериш масалаларига бағишланган анжуман ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Н.Йўлдошев, «Ипотека-банк» акциядорлик тижорат ипотека банки бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Р.Бахромов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида тадбиркорликни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланганини таъкидлади. Шу мақсадда яратилган ҳуқуқий база тадбиркорлар фаолияти эркинлигининг қонуний кафолати бўлиб хизмат қилмоқда.

Бугун тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳар қандай санкциялар суд қарорига биноан қўлланилиб, уларнинг молия-хўжалик фаолияти фақат солиқ органлари томонидан текширилмоқда. Ҳисобот тақдим этишнинг барча шакллари ва турлари кескин қисқартирилди. Тадбиркорларнинг ўз ишини ташкил этиш билан боғлиқ сарф-харажатлари сезиларли даражада камайди.

Тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини текширишлар кескин қисқартирилган, адлия идораларида тадбиркорлар учун махсус «Ишонч телефонлари» ташкил қилинган уларнинг эркин фаолиятига янада кенг йўл очди. Тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар хусусий бизнесни ривожлантириш борасида янги имкониятлар яратаетир.

Натижада кейинги йилларда тадбиркорлик мамлакатимизнинг барча ҳудудида бўлгани каби Тошкент шаҳрида ҳам кенг қулоч ёйди. Буни биргина хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг жаҳон андозалари даражасида ривожланаётганида ҳам кўриш мумкин. Бу борада пойтахтимизнинг Мирзо Улугбек туманида салмоқли натижаларга эришилмоқда.

2013 йилда туманда турли йўналишларни қамраган 230 га яқин лойиҳа ҳаётга татбиқ этилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида тижорат банклари томонидан 355 миллиард сўмдан кўпроқ миқдорда кредит ажратилди. Тадбиркорлик ривожига ёш ишбилармонларнинг улуши юқори бўлиб, улар 1,6 миллиард сўм кредит маблағини мақсадли йўналтиришга муваффақ бўлди. Натижада туманда 16 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

— Ўн хилдан ортиқ нон маҳсулоти ишлаб чиқаряпмиз, — дейди «Bread Market» масъулияти чекланган жамияти ходими Эркин Маҳмамов. — Банкдан ажратилган кредит эвазига Германиядан замонавий ускуна сотиб олиб, ишга туширдик. Натижада ишлаб чиқариш ҳажми бир неча баравар ортди. Бу йил ҳам фаолиятимизни ана шундай асосда давом эттириб, ишлаб чиқариш ва иш ўринлари қўламини кенгайтирмоқчимиз.

Тадбиркорларнинг эркин фаолият юритиши учун зарур шарт-шароит яратилаётгани билан бирга уларнинг ҳуқуқлари ҳимояси изчил таъминланаётгани муҳим аҳамият касб этаётир. «Қизилқум-сергайраткорлар» ёпиқ акциядорлик жамияти раиси ўринбосари Дўстқул Ибодуллоевнинг айтишича, адлия идоралари тадбиркорларнинг яқин қўмақдошига айланган. Мазкур субъект адлия бошқармаси аралашуви билан 1,8 миллиард сўм маблағини қарздорлардан ундириб олишга муваффақ бўлган.

Тадбиркорлар дуч келаётган муаммоларни ҳал этишда мунтазам ташкил этилаётган «Очиқ эшиклар кўни» қўл келмоқда. Чунки бу тадбирларга адлия, солиқ, статистика, божхона органлари масъул ходимлари ҳамда ҳокимлик, тижорат банклари вакиллари тақлиф этилмоқда. Ўтган давр мобайнида ўтказилган учрашувларда тадбиркорлар томонидан билдирилган 350 дан ортиқ турли муаммолар масалалар ечими юзасидан манфаатдор идораларнинг зарур тадбирлари белгиланиб, уларнинг ижроси алоҳида назоратга олинди.

Очиқ мулоқот тарзида ўтган мазкур тадбирда ҳам тадбиркорлар адлия, тижорат банклари, хизмат кўрсатувчи идоралар вакиллари ечимини кутаётган масалалар бўйича тақлифлар билдирди. Ўз навбатида, тадбиркорлик субъектларига қурилиш тугалланмаган ва бўш турган объектлар, кам қувватда ишлаётган қорхоналар фаолиятини тиклаш ҳисобига янги иш ўринлари яратишга қаратилган ишлар ҳақида маълумот берилди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎЗА муҳбири

ЮРТИМИЗНИНГ ҚАҲРАМОН АЁЛЛАРИ

(Давоми. Боши
1-бетда)

Эл-юрт ишига камарбаста Сиёсатхон Абдуллаева, Патилахон Эргашева, Халчахон Мирзаева сингари аёлларнинг азму шижоати, ғайрати, меҳнатсеварлиги, тиниб-тинчимаслигига ҳар қанча ҳавас қилса арзийди. Умрини деҳқончиликка бағишлаган бу аёлларнинг меҳнати туфайли пахта, ғалла ва бошқа экинлар етиштириш бўйича юқори ҳосилдорликка эришилиб, фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш, ёшларни иш билан таъминлаш борасида салмоқли ютуқлар қўлга киритилмоқда.

Мамлакатимизнинг эртанги кунини, порлоқ истиқболи ёшларнинг нечоғли билимли, юксак маънавиятли шахс бўлиб камолга етиши билан чамбарчас боғлиқ. Шу боис Ўзбекистон Қаҳрамонлари сафида ўқитувчиликдек шарафли ва масъулиятли касб эгалари кўпчилигини ташкил этиши бежиз эмас. Айни пайтда навқирон авлодни буюк аждодларимизга муносиб инсонлар этиб тарбиялаш, уларга пухта билим бериш, оқу қорани таниб улгурмаган мурғак қалб эгаларини маънавий-ахлоқий мезонларимизга зид бўлган зарарли ғоялар, «оммавий маданият» ҳуружидан ишончли ҳимоялаш ўқитувчилар зиммасига улкан масъулият юклайди.

Мавлуда Исмаилова бунотан англайди. Тошкент шаҳри Юнусобод туманидаги 273-умумтаълим мактабида ўзбек йиллар педагогик фаолият билан шуғулланган устоз иқтидорли ўқувчилар билан тизимли ишлаш, ўғил-қизларнинг қизиқиш ва лаёқати, интеллектуал салоҳиятига қараб фанлар бўйича ихтисослаштирилган тарзда билим бериш методикасини амалиётда жорий этди. Қўқон

шаҳридаги 10-умумтаълим мактабининг математика фани ўқитувчиси Манзурахон Мадалиева яратган услубий қўлланмалар, «Қизиқarli математика», «Математика ва компьютер саводхонлиги», «Ўқувчилар тарбияси» сингари дарс ишланмалари ўғил-қизларнинг аниқ фанларни ўрганишга бўлган иштиёқи орттиришга хизмат қилмоқда.

Куончак ва меҳридарё, айни пайтда талабчан Вера Пакни Хива шаҳридаги 20-Меҳрибонлик уйда тарбияланаётган болаларнинг бари «Ойижон» деб атайдилар. Опанинг одабийлик, ҳалоллик, меҳнатсеварлик, инсоф-диёнатга оид ўғитлари катта ҳаёт оstonасидаги ёшларга умр бўйи йўлдош бўлмоқда.

Ўзбекистонда аёллари ардоқланган мамлакатнинг бахтиёр фарзанди эканидан фaҳрланаман, — дейди Ўзбекистон Қаҳрамони, Хоразм вилояти Гурлан туманидаги 5-умумтаълим мактаб директори Анорхон Маҳмудова. — Президентимизнинг аёлларга кўрсатаётган чексиз эътиборини кундалик ҳаётимиз, меҳнат фаолиятимизда астойдил ҳис этамиз. Ана шундай юксак эътироф барча хотин-қизларни мустақиллигини янада мустақамлаш, уни кўз қорачи-гидек асраб-авайлаш, фарзандларни қомил инсонлар этиб тарбиялашдек азгу ишларга даъват этмоқда, уларга қанот бўлмоқда.

Аёл зоти борки, меҳр-муруват, эъзоз ва эҳтиром, рағбатдан маънавий қуч-қувват олади. Мамлакатимизда хотин-қизларга кўрсатилаётган юксак эътибор опа-сингилларимиздаги эртанги кунга ишонч туйғусини тобора мустақамлаш, оилаларнинг аҳил, ҳаётимизнинг янада мазмунли ва гўзал бўлишига хизмат қилмоқда.

Назokat Усмонова,
ЎзА мухбири



Иқтидорли ёшлар доимий эътиборда

Отабек Мирсоатов (ЎзА) олган суратлар

НАМКОРБАНК BIRGALIKDA YUKSALISH SARI

ИШОНЧЛИ ВА КАФОЛАТЛИ БАНК ХИЗМАТИ

Мамлакатимиздаги банклар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш орқали иқтисодий тиричиликни ривожлантириш ишларига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Шунингдек, турли имтиёзлар ва кредитлар орқали миқозларининг ишлари ривожига мустақкам замин яратмоқдалар. Бу борада «Хамкорбанк» ОАТБ ва унинг филиалларининг ҳам ўз ўрни бор. «Инсоф» масъулияти чекланган жамияти ҳам ушбу банкнинг Янгийўл филиалининг доимий миқозларидан биридир.

— Бугунги кунда республикада кенг қўламда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари ва иқтисодий ислохотларда банкларнинг ўрни бекиёсдир. Президентимизнинг «Банклар иқтисодиётнинг локомотивлари» дея таъкидлашларида чуқур маъно бор. Ҳозирда ўз фаолиятини бошлаган ёки бошлаш арасида турган кичик бизнес субъектлари ҳамда тадбиркорларга банклар томонидан яратилаётган имконият ва имтиёзлар жуда асқотадил, — дейди Янгийўл туманидаги «Инсоф» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Боқижон Муҳамедов. — Бизнинг жамиятимиз мисолида ҳам ушбу имкониятларнинг гувоҳи бўлиш мумкин. Жамиятимиз 2005 йилда ташкил этилган. Дастлабки йиллари маблағ етишмаслиги сабабли ишни йўлга қўйиш борасида бир қатор қийинчиликлар мавжуд эди. Аммо «Хамкорбанк» ОАТБ Янгийўл филиалидан олинган кредит эвазига тезда ўзимизни тиклаб олдик. Утган йиллар давомида ушбу банкдан ўндан ортқ кредит олдик ва уларни ўз вақтида қайтардик. Бунинг натижасида жамиятимизда ишлаб чиқариш ҳажми тўрт баробар ошди, 80 дан ортқ янги иш ўринлари яратилди. Аксарият ҳолларда туманимизда

жойлардаги касб-хунар коллежларини тамомлаётган ёшларни танлов асосида ишга жалб қилмоқдамиз.

Қурилиш материаллари бўлган талабни қондириш ва истеъмолчиларга хом ашёни ўз вақтида етказиб беришни етарли даражада ташкил этиш учун 2013 йилда «Хамкорбанк» ОАТБ Янгийўл филиалидан 80 минг евро миқдорида навбатдаги имтиёзли кредит олдик ҳамда унинг ҳисобига Хитойда ишлаб чиқарилган 2 та «SINOTRUK HOWO» юк автомашинасини харид қилдик. Амалга оширилган саъй-ҳаракатлар ҳамда банк кредитлари ҳисобига бугунги кунда жамиятимиз тўла қувватда ишлаб, аҳолига ҳар хил турдаги бетон ва темир-бетон маҳсулотларини етказиб бермоқда. 2014 йилда яна кредит олиб ўз фаолиятини кенгайтириш, янги иш ўринларини очишни режалаштирганмиз.

Айтиб ўтиш жоизки, қурилиш бозорига ўз ўрнини топишимизда банкнинг ўрни катта бўлди. Утган 8 йил мобайнида «Хамкорбанк» билан ўзвий алоқаларни йўлга қўйдик. Бизга банк томонидан кўрсатилаётган ишончли ва кафолатли хизматлардан миннатдормиз.

Тадбирлар

ЮКСАК МАЪНАВИЯТЛИ ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ ПОЙДЕВОРИ

Бугунги глобаллашув даврида ёшлар тарбиясида маънавиятнинг ўрни ва аҳамияти тобора ошиб бормоқда. Шу нуқтаи назардан қараганда ёшлар маънавиятини шакллантиришнинг асосий мезонлари қаторида ватанпарварлик туйғуси, баркамол шахс идеалини камол топтириш, турли мафкуравий таҳдидларга қарши курашишнинг ўрни алоҳида эътибор қаратадиган муҳим механизмлардир.

Яқинда Тошкент Тиббиёт академиясида ўтказилган «Юксак маънавиятли ёшларни тарбиялаш — ёруғ келажагимиз га-ровидир» деб номланган амалий анжуманда ҳам шу ҳақда сўз борди. Учинчи бор ўтказилаётган ушбу аънавий тадбирда Тиббиёт академияси профессор-ўқитувчилари ва талабалари, «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги ходимлари иштирок этди.

Анжуман доирасида факультетларнинг муайян мавзуларга бағишланган стендлари намойиши, факультетлар маънавий-маърифий ҳаётини ёритувчи альбомлар кўргазмаси ҳам бўлиб ўтди.

Шунингдек, барча факультетлар талабалари ўзларига берилган маънавиятни шакллантиришга оид мавзуларда маърузалар қилишди. Жумладан, даволаш факультети талабаси Б.Шаробиддиновнинг «Ёшлар маънавиятини шакллантиришда ватанпарварлик туйғусининг ўрни», тиббий педагогика факультети талабаси Х. Исмоловнинг «Ўз уйингни ўзинг асра», тиббий профи-

лактика факультети талабаси З. Рисбоевнинг «Оммавий маданият»га қарши курашишда ёшларнинг ўрни», стоматология факультети талабаси М. Носировнинг «Ахборот оқими-нинг талабаларга бўлган салбий таъсири» мавзуларидаги қизиқarli чиқишлари йи-рилганлар мароқ билан тинг-лашди.

Маърузачилар томонидан ватанпарварликнинг аввало, Ватанга муҳаббат туйғусидан бошланиши алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, ватанпарварлик туйғуси бу фидойилик билан чамбарчас боғлиқ. Ёшларда ўзи таълим олаётган олийгоҳи, устоз-мураббийлари, ота-онаси, дўстлари ва касбига фидойилик бўлса, мамлакатимиз ҳам тобора тараққий этиб бораверади. Чунки буларнинг барчаси Ватанда мужассам, ватанпарварлик туйғусининг келиб чиқиш пойдеворидир.

Нилуфар НИЁЗОВА,
Тошкент Тиббиёт академияси 1-иштимоий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент молия институти «Молиявий таҳлил», «Молиявий менежмент», «Информацион-коммуникацион технологиялар», «Жисмоний маданият ва спорт» кафедралари мудир ва куйидаги кафедралар бўйича бўш (вакант): «Чет тиллари» катта ўқитувчи, ўқитувчи(ассистенти); «Бизнес ва тадбиркорлик» доцент, катта ўқитувчи; «Молия» доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистенти); «Лойиҳаларни молиялаштириш» доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); «Минтақавий иқтисодиёт» доцент; «Банк иши» доцент, катта ўқитувчи; «Информацион-коммуникацион технологиялар» доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); «Фалсафа ва Ўзбекистонда демократик жамият куриш назарияси ва амалиёти» катта ўқитувчи; «Касбий таълим» катта ўқитувчи; «Молия бозори ва қимматли қоғозлар» доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); «Жисмоний маданият ва спорт» катта ўқитувчи; «Банк ҳисоби ва аудит» доцент, катта ўқитувчи; «Молиявий менежмент» профессор, доцент, катта ўқитувчи; «Молиявий таҳлил» доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); «Иқтисодиёт назарияси» доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); «Бухгалтерия ҳисоби» катта ўқитувчи; «Аудит» доцент, катта ўқитувчи; «Солиқлар ва солиққа тортиш» доцент, катта ўқитувчи; «Ҳазначилик иши» доцент, катта ўқитувчи лавозимларига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловда фан номзодлари ва докторлари, профессорлар, доцентлар ва тажрибали ўқитувчилар иштирок этишлари мумкин. Танлов муддати - эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Танловда қатнашишни хоҳловчилар Тошкент шаҳри, А.Темур шоҳ кўчаси, 60А-уй, ТМИ ходимлар бўлимига мурожаат қилишлари мумкин.

Тел. 234-83-99
358-84-08

Ректорат

UZTELECOM

ХУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

Ҳозирги кунда телефон кабелларининг ўғирланиши оммавий тус олиб, катта муаммага айланмоқда. Кабель линияларини қасддан шикастлаш натижасида нафақат «Ўзбектелеком» АК «ТШТ» филиали абонентлари — жисмоний шахслар жабрланмоқда, айни пайтда бу ҳол ҳокимият ва бошқарув органлари, ҳуқуқ-тартибот органлари, шошилинч хизмат, шаҳар ҳаётини таъминлаш корхоналарининг ҳам алоқа тизимларининг фаолияти бузилишига олиб келмоқда. Кабелни ўғирлаш телефон тармоғининг узилишига, Интернет тармоғи, маълумотнома-сервис ва ахборот хизматларидан фойдаланиш имкониятининг чекланишига сабаб бўлмоқда.

«Ўзбектелеком» АК «ТШТ» филиали иншоотларни қўриқлаш масалаларини ҳал қилиш, ўз миқозлари учун алоқа ниҳас-ланишлар оқибатларини камайтириш ҳамда тиклаш бўйича бор куч ва имкониятларини ишга солмоқда.

Айни пайтда, кабеллар ўғирланишининг олдини олишда, шунингдек, ўғирларни қўлга олиш ва жазолашда аҳоли томонидан бундай хатти-ҳаракатлар ҳақида ўз вақтида хабар берилиши ўта муҳим аҳамиятга эга.

Кабелларни қасддан шикастлаш ҳолатларининг олдини олиш, шаҳар алоқа иншоотларини ҳимоялаш мақсадида «Ўзбектелеком» АК «ТШТ» филиали фуқароларни огоҳ бўлишга даъват этади. Шаҳар линияли-кабель иншоотларидан руксат берилмаган ҳолда фойдаланиш, кабеллар, канализация қопқокларини ўғирлаш ҳоллари аниқланганда 102 ёки 233-69-95 телефонлари орқали хабар беришингизни сўраймиз.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ВА «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзил: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

КЎЧМАС МУЛККА ОИД ШАРТНОМАЛАРНИ ҚОНУНАН РАСМИЙЛАШТИРИШ — ДОЛЗАРБ МАСАЛА

Мамлакатимиз Президентини Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг кўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзусидаги маърузасида иқтисодий тизимни янада эркинлаштириш борасидаги асосий вазифалардан бири сифатида «хусусий мулкнинг ҳуқуқ ва ҳимоясини мустақамлаш», ҳар қайси мулкдор қонуний йўл билан қўлга киритган ёки яратган ўз мулкнинг дахлсизлигига асло шубҳа қўлмаслигини таъминлайдиган ишончли кафолатлар тизимини яратишимиз зарур» деб таъкидлаган эдилар.

Шу муносабат билан кўчмас мулкка оид шартномаларни қонунан расмийлаштириш ҳам ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Кўчмас мулкнинг олди-сотди шартномасига биноан (айирбошлаш ва ҳада шартномаларига нисбатан ҳам олди-сотди шартномаси талаблари қўлланади) сотувчи ер участкаси, бино, иншоот, квартира ёки бошқа кўчмас мулкни сотиб олувчига мулк қилиб топширишни ўз зиммасига олади.

Кўчмас мулкнинг олди-сотди шартномаси тарафлар имзолаган ёзма шаклдаги битта ҳужжат тарзида тузилади.

Бино, иншоот ёки бошқа кўчмас мулк сотилганида улар жойлашган ва ундан фойдаланиш учун зарур бўлган ер участкасига бўлган ҳуқуқ сотиб олувчига топширилиши лозим.

Сотувчи сотилаётган кўчмас мулк жойлашган ер участкасининг мулкдори бўлган

тақдирда сотиб олувчига ер участкасининг тегишли қисмига мулк ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи ёхуд кўчмас мулкни сотиш шартномасида белгиланган бошқа ҳуқуқ берилади.

Агарда шартномада сотиб олувчига топширилаётган тегишли ер участкасига бўлган ҳуқуқ белгиланмаган бўлса, сотиб олувчига ер участкасининг кўчмас мулк жойлашган ва бу кўчмас мулкдан фойдаланиш учун зарур бўлган қисмига мулк ҳуқуқи ўтади.

Сотувчи сотиб олганидан кейин қонунга мувофиқ уй-жой биносидан фойдаланиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қоладиган шахслар яшайдиган уй-жой биносини, квартирани, уй-жой ёки квартиранинг бир қисmini сотишнинг энг муҳим шартларидан бири сотилаётган уй-жой биносидан фойдаланиш ҳуқуқларини кўрсатган ҳолда ушбу шахсларнинг рўйхатини тузишдан иборат.

Уй, квартирани, уйнинг ёки квартиранинг бир қисmini сотиш шартномаси нотариал тартибда тасдиқланиши ва давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Хулоса қилиб шуни айтиш жоизки, кўчмас мулкка оид шартномаларни қонунан расмийлаштириш фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини янада тўлақонли ҳимоя қилиш учун хизмат қилади. Зеро, юртимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатлари олий қадрият ҳисобланади.

Нурия ШОҲНАЗАРОВА,
Чилонзор туманидаги
6-сонли Давлат
нотариал идораси нотариуси

ФАРЗАНДЛАР ЮТУҒИ — ОНАЛАР БАХТИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Навқирон авлодни баркамол этиб тарбиялаш, «Соғлом она — соғлом бола» тамойили мустақилликнинг илк йилларидан давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишига айланиб, давлат дастурлари доирасида амалга оширилаётган улкан ишлар жаҳон миқёсида эътироф этилаётди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2014 йилнинг Соғлом бола йили деб номланиши баркамол авлодни тарбиялаш масаласи юртимизда изчил, тизимли равишда олиб борилаётганидан далолатдир.

— Мамлақати тинч, оиласи хотиржам, фарзандлари саломат бўлса, аёлнинг бахти шу, — дейди М.Очилова. — Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида юртимизда тинчлик-осойишталик ҳукмрон, осмонимиз мусаффо, ҳаётимиз обод. Фарзандларимнинг орзулари ушалаётганини кўриб, севиनाман. Улар шахматни ўйнаш бошлаганида ҳали чемпион бўламан деса, буни болалик орзулари, деб қулиб қўяр эдик. Мана, қизим ҳам ўғлим ҳам жаҳон чемпионатида шохсупага кўтарилди.

Улар билан бирга Европа ва Осиёнинг қатор мамлакатларида бўлдим. Биз болалик давримизда буни ҳатто орзу ҳам қила олмасдик.

Аслида спортда, айниқса, ўткир зехн, ақл-заковат ва ўзига хос ижодкорлик талаб этиладиган шахматда чемпион бўлиш осон эмас. Ҳар бир ютуқ асосида машаққатли меҳнат, минглаб ўйинлар таҳлили ётади.

М.Очилованинг айтишича, ҳаммаси ҳавасдан бошланган. Тўнғич фарзанди Охунжон мамлакат чемпионатларида донга сурган. Ундаги қизиқиш Баҳорага кўчган. У ўн ёшлигидан шахмат ўйнай бошлаган. 2011 йили Ўзбекистон чемпиони бўлди. Оиланинг кенжаси Нодирбек шахмат бўйича жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов бу тоғни қўлга киритган 2004 йилда тутилган.

Бугун Нодирбек халқимиз фахри, тенгдошлари учун ўрнак. Айни пайтда ораси Баҳора билан бирга инглиз тилини пухта ўрганмоқда, жаҳоннинг етакчи шахматчилари партияларини ушбу тилда таҳлил қилади.

— Ота-онамиз спорт билан шуғулланишимиз ва билим олишимиз учун барча имкониятларни яратиб берган, — дейди Баҳора. — Кунига беш-олти соат шахмат билан жиддий шуғулланамиз. Машғулот ва мусобақаларда онам доимо биз билан бирга. Ҳалабаларимизда онамнинг ҳиссаси катта.

— Жаҳон чемпионатидаги энг муҳим учрашув олди-дан онам менга мусобақада қатнашаётган хорижлик тенгқурларимни кўрсатиб, сен уларнинг ҳеч биридан кам эмассан, ортингда бутун Ўзбекистон сени қўллаб-қувватлаб турибди, деб қайта-қайта тақдорлайди, — дейди Нодирбек. — Бу сўзлар менга куч ва ишонч бағишлайди, ғалабага бўлган иштиёқимни оширади.

Бугун мамлакатимизда вояга етаётган болалар жисмонан соғлом, маънан етук, интеллектуал салоҳияти юксак авлод вакиллари. Улар орасида Нафиса, Хулкар ва Гулрухбегим Тохиржоновалар, Жаҳоҳир ва Исламбек Синдоровлар, Тохир ва Жаҳонгир Воҳидовлар каби шахматчи оилалар вакиллари ўзбек ўғил-қизлари ақл-идрок, зехн, жисмоний ва интеллектуал салоҳият бобида дунёда ҳеч кимдан кам эмаслиги ва кам бўлмаслигини намойён этиб келишмоқда. Муҳими, улар эришаётган ғалабаларда ўзбек аёли — ўзбек оналарининг ҳиссаси катта бўлмоқда.

Зоҳир ТОШХҲАЕВ,
ЎЗА мухбири

Туризм

ПРОФЕССИОНАЛ ГИД — ЯХШИ ҲАМРОҲ

Тошкент шаҳрида гид-таржимонларнинг касб маҳоратини оширишга бағишланган халқаро семинар бошланди. «Ўзбектуризм» миллий компаниясининг Республика илмий-ўқув консалтинг маркази, «Central Asia Tours» сайёҳлик компанияси ва Германиянинг «TINTKO» халқаро сайёҳлик алоқалари бирлашмаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда мамлакатимиз сайёҳлик фирмалари ва компаниялари вакиллари, халқаро экспертлар ва соҳа мутахассислари иштирок этмоқда.

Гид хизмати — сайёҳлик бизнесининг энг муҳим талабларидан. Зеро, ҳар бир сайёҳ бошқа мамлакатга борганида ушбу касб эгаларининг ёрдамига эҳтиёж сезади. Сайёҳат дастурининг қизиқарли ўқиши, меҳмонларда мамлакат тарихи, маънавий-маданий бойлиги, бетакрор меъморий обидалари, халқининг урф-одатлари ва қадриятлари ҳақида мукаммал тушунчалар шаклланиши уларнинг ўз касбини нақадар ўзлаштиргани билан бевосита боғлиқдир.

«Ўзбектуризм» миллий компаниясининг Республика илмий-ўқув консалтинг маркази юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва касб маҳоратини оширишда муҳим ўрин тутди. Марказ томонидан икки мингдан зиёд гид, мингдан ортқ туроператор ва меҳмонхона хўжалиги ходими тайёрланди. Бу ерда мамлакатимизнинг гид-таржимонлари ва экскурсоводлари ҳақида маълумотлар базаси шакллантирилиб, мунтазам янгиланб боришмоқда.

Семинарда Ўзбекистонда йирик халқаро сайёҳлик компаниялари, сармоядорлар, меҳмонхоналар, ресторанлар ва бошқа хорижий шериклар билан йўлга қўйилган ҳамкорлик алоқалари гидлар малакасини оширишга хизмат қилаётгани таъкидланди.

— Ушбу анжуманни ўтказишдан кўзланган мақсад гид-таржимонлар малакасини янада оширишга қўмаклашиш, соҳага оид долзарб масалалар борасида фикр ва тажриба алмашишдан иборат, — дейди Германиянинг «TINTKO» халқаро сайёҳлик алоқалари бирлашмаси бош менежери Йохан Роскопф. — Сайёҳлар мамлакат ҳақида қизиқарли ва кўпроқ маълумот олишни истайди. Бу гидлардан ўз билим даражаси устида астойдил ишланиш, мамлакат ҳаётида рўй бераётган янгиланган ва ўзгаришлардан мунтазам хабардор бўлишни тақозо этади. Ташкилотимиз Шимолий ва Жанубий Америка, Австралия, Африка, Ғарбий ва Шарқий Осиё мамлакатлари, хусусан, Ўзбекистон билан сайёҳлик соҳасида яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Тошкентга бундан йигирма йил аввал келган эдим. Ўтган давр мубойида мамлакатингиз, хусусан, пойтахтингиз таниб бўлмас даражада ўзгариб кетибди. Бу асим шаҳарда мароқли дам олиш учун барча қўлайлик яратилган. Юртингизда миллий қадриятларни тиклаш, ўрганиш ва тарғиб этиш, маданий ёдгорликларни, тарихий обидаларни асраб-авайлаш борасида олиб борилаётган ишлар таҳсинга лойиқ.

Мамлакатимизда профессионал гидларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Гидлар Ватанимиз тарихи ва маданияти, халқимизнинг урф-одат ва анъаналари, меъморий обида ва ёдгорликларни, диққатга сазовор жойларни тўғрисида тўлиқ ва аниқ маълумотга эга бўлиши зарур. Халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилаётган бундай семинарлар гидлар малакасини янада оширишга хизмат қилади.

Семинарда гидлар фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари, сайёҳлик агентликлари билан ҳамкорлик, интерфасил экскурсиялар ташкил этиш ва бошқа мавзуларга оид масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Нодира МАНЗУРОВА,
ЎЗА мухбири

Спорт янгилеклари

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ — УЧИНЧИ

Хоразмда белбоғли кураш бўйича ёшлар ва катталар ўртасида Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди.

Турли вазн тоифаларида уюштирилган бахслар якунида ёшлар ўртасида ҳам, катталар ўртасида ҳам шохсупанинг энг юқори поғонаси умумжамоа ҳисобида хоразмликларга насиб этган бўлса андижонликлар иккинчи, Тошкент шаҳри жамоаси учинчи ўринни эгаллашди.

Энди белбоғли кураш бўйича март ойида Эронда Осиё чемпионати бўлиб ўтади. Унда Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари ҳам юртимиз шарафини ҳимоя қилишади.

Ўзбекистон футбол федерацияси ташаббуси билан Ўзбекистон Кубоги ҳамда биринчи лига жамоалари иштирокида ўтадиган мамлакат чемпионатида қуръа ташланди.

ҚУРЪА ТАШЛАНДИ

Унга кўра Ўзбекистон Кубоги беллашувлари март ойида старт олади. Ушбу турнирда профессионал футбол лигаси ҳамда биринчи лига жамоалари иштирок этишади.

Биринчи лигада жорий йилда ҳам 24 та жамоа икки гуруҳга бўлинган ҳолда иштирок этади. Ҳар бир гуруҳда кучли саккизликдан ўрин эгаллаган жамоалар профессионал футбол лигасига йўланма олиш учун курашнинг давом этиришади.

МЕДАЛЛАР ШОДАСИ

Малайзияда каратэ-до бўйича ўсмирлар, ёшлар, катталар ўртасида ташкил этилган қитъа биринчилиги Ўзбекистон терма жамоасига медаллар шодасини тақдим этди.

Осиёнинг кўпгина давлатларидан келган спортчилар қатори ғолиблик учун кураш олиб борган юртимиз вакиллари якунда тўққизта олтин, 2 та кумуш ва битта бронза медалларини қўлга киритишди ва пойтахтимизга ёрғуз юз билан қайтишди.

Пойтахтимизда спортнинг стенддан ўқ отиш тури бўйича уюштирилган Федерация Кубоги якунида.

ТАЙЁРГАРЛИК ВАЗИФАСИНИ ЎТАДИ

Унда Тошкент шаҳри ҳамда мамлакатимизнинг бошқа вилоятларидан келган маҳоратли мерганлар иштирокида беллашувлар иккита йўналишда ўтказилди.

Қизиқарли кечган мусобақа якунида турнирга пухта тайёргарлик кўрган Гофир Эрсалиев ҳамда Шухрат Ёгамбердиев олтин медаллар эгаси бўлишди.

Ушбу турнир баҳорда ўтказиладиган мамлакат чемпионати олдидан спортчиларга маҳорат мактаби вазифасини ўтади.

Акбар Йўлдошев



МАЪРИФИЙ ТАДБИР

Бугунги кунда вояга етаётган ёшларнинг маънавий ва бадий салоҳиятини ошириш ҳамда уларни миллий санъатимизга нисбатан ҳурмат руҳида тарбиялаш асосий вазифалардан бири саналади. Бу борада Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси томонидан ёшларни қомил шахс сифатида тарбиялаш мақсадида бир қатор самарали тадбирлар ташкил этиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида, шунингдек, «Соғлом бола йили» муносабати билан Ўзбекистон Давлат консерваториясида туман ҳокимлиги ва хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. «Соғлом болалар байрами» деб номланган ушбу хайрия концертида Халқаро ва Республика танловлари ғолибларидан ташкил топган «Хавас» гуруҳи аъзолари томонидан бир неча қисмдан иборат маънавий-бадий чикишлар намойиш этилди.

Жумладан, тадбирнинг биринчи қисмида «Нихол илҳомлари» деб номланган классик концерт дастурида «Нихол» муқотири соҳибдорлари Қасимов Фуломжон ва бир неча халқаро кўрик-танловлар ғолиби Достонбек Фуломжоновлар томонидан Европа классик мусика дурдоналари ижро этилди.

Иккинчи қисмда тадбир иштирокчилари ёш дизайнер Шахноза Фуломжоннова томонидан

тайерланган «40 либос нафосати» номли кўрғазма билан танишди. Кўрғазмадан миллий мато-ларимиздан жондор андозалари услубида тикилган турли кийим-кечаклар ўрин олган.

Эстрада концерт дастурида оилавий «Хавас» гуруҳи томонидан миллий ва атрада куй-қўшиқлари ҳамда уларга ҳамроҳанг томошалар намойиш қилинди.

Тадбир давомида Шайхонтоҳур туманидаги барча ўқув муассасаларидан таширғи бўлган ёшлар таълим-тарбия жараёнида санъатнинг ўрни нақадар юқори эканлигини аниқлаш билан бирга мароқли ҳордиқ чиқардилар.

Дарҳақиқат, бугунги кунда соғлом авлодни тарбиялашда ёшларнинг нафақат жисмоний, балки, маънавий жиҳатдан баркамоллиги ҳам муҳим ўрин тутди. Ушбу тадбир эса том маънода ёшларнинг санъатга бўлган қизиқиши ва эътибори, эстетик дидини янада оширганлиги шубҳасиз.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТДА: тадбирдан лавҳа

«ЭКОСАН» халқаро жамоат фонди ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси билан ҳамкорликда Тошкент Давлат педагогика университети тарих факультети профессор-ўқитувчилари ва талабалари иштирокида «Ёшларда экологик маданиятни шакллантириш ҳамда турли тусдаги фавкулдада вазиятлардан муҳофазаланишнинг ҳуқуқий асослари» мавзусида давра суҳбати уюштирилди.

Тадбирда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қосидаги Олий таълимни ривожлантириш маркази директори ўринбосари, Халқаро педагогика академияси академиги Шокиржон Жўраев, Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси бўлим бошлиғи, кимё фанлари номзоди Хония Асилбекова, университет проректори, профессор Жозил Тохиров ва тарих факультети декани Валижон Эшқуватов ёшларда экологик маданиятни шакллантириш ва атроф-муҳит муҳофазаси борасидаги билимларини ошириш йўлида биринчи навбатда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ҳақида тўхталиб, инсоният табиат қонуниятларига бўйсуниб яшаш даркорлигини қайд этишди.

«Миллий ғоя ва маънавий асослари» кафедраси олимлари доцент Мархабо Собированинг «Маънавият ва экология», Абдували Норбоевнинг «Турли тусдаги фавкулдада вазиятлардан муҳофазаланишнинг ҳуқуқий асослари» мавзуларидаги чикишлари фавкулдада вазиятларнинг олдини олиш, содир бўлган чоғда эса қўрилиши зарур бўладиган чоралар, айниқса, аҳолини қўқариш хатти-ҳаракатлари бўйича мамлакатимиз раҳбарияти томонидан олиб борилаётган кенг қамровли ишлар, университетнинг Олий ва ўрта махсус таълим, Ички ишлар ва Фавкулдада вазиятлар вазирликлари, бир қатор вазирликлар, республика ташкилотлари иштирокида «Ўзбекистон Республикаси фавкулдада вазиятларда аҳолини муҳофаза қилиш, (Тасарруфиди таъ-

лим муассасалари бўлган вазирликларнинг ўқувчи ва талабаларини фавкулдада вазиятларга тайёрлаш жараёни» Давлат гранти асосида амалга оширилаётган лойиҳанинг ижроси бўйича маълумотлари анжуман иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Ушбу лойиҳа раҳбари, профессор Ишқобил Холиқов

СОҒЛОМ МУҲИТ — ИНСОН САЛОМАТЛИГИ ОМИЛИ

эътиборни «ЭКОСАН» халқаро жамоат фондининг ҳам иштирокидаги изланишлар натижасида нашрдан чиққан «Фавкулдада вазиятлар ва уларнинг олдини олиш чора-тадбирлари», «Экологик таҳдид — хавфсизликка таҳдид», «Ўзбекистонда фавкулдада вазиятларда давлат тизими ва унинг барқарорлигини таъминлашдаги ўрни», «Ёғин ва унга қарши кураш усуллари» китобларининг тақдимотида қаратди.

Олимнинг таъкидлашича, ушбу тадқиқ қилинаётган экологик хавфсизлик, кишилик жамиятининг бутуни ва эртаси учун долзарблиги жиҳатдан энг муҳим муаммолар жумласига киради. Улар амалий тарзда ҳал этилса, кўп жиҳатдан ҳозирги ва келгуси авлод турмушининг аҳоли ва сифатини белгилаш имкониятини беради. Ушбу адабиётларда сув танқислиги, сувни тежаш, унга боғлиқ бўлган сел ва кўчкилардан сақла-

ниш, иқлим ўзгариши натижасида содир бўлаётган фавкулдада ҳодисалар, зилзилалар ва кимёвий заҳарланиш, улардан ҳимояланиш усул ва услублари ҳақида фикр юритилган, амалий тавсиялар берилган. Энди — XXI асрда, экологик хавфсизликни фақат экологик саводхонлик, онг ва маданиятни ривожлантириш орқалигина таъминлаш мумкин деган ҳулосага келинган. Ўқув муассасалари ушбу услубий қўлланмалар ёрдамида аҳоли ўртасида, маҳаллаларда кенг қамровли тушунтириш ишларини олиб бориш имкониятига эга бўлади ва бу ишларни амалга оширишга бел боғлаш — зарурат.

Тадбирда Ўзбекистон кушларни муҳофаза қилиш жамияти ходими Олег Кашкаров Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Жамоат фонди лойиҳаси доирасида тайёрланиб, чоп этилган «Ўзбекистон кушлари бўйича қисқача маълумотнома, 130 та тур» китоби ва 460 та кушларнинг фотоси ва овозлари жамланган СД диски тақдимоти билан чиқди.

«ЭКОСАН» халқаро жамоат фонди бошқаруви раиси ўринбосари Комилжон Жўраев университетнинг «Мил-ляжон Жўраев асослари» кафедрасига «Экология бурча»ни ташкил этиш мақсадлари учун соҳага оид адабиётлар ва плакатларни тақдим этди. Учрашувда тарих факультетининг 1-босқич магистранти Икромжон Маткаримов Термиз ва Денов тиббиёт касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг Ўзбекистон экологик ҳаракатининг «Соғлом муҳит — инсон саломатлиги» ва «ЭКОСАН» халқаро жамоат фондининг «Анъаналарни тикла — даракот эк» ташаббусларини қўллаб-қувватлаб барча тенгдошларини жойларда яшил худудларни кенгайтиришга чорловчи мамлакатимиз ёшларига мурожаатномасини ўқиб эшиттирди. Ушбу ташаббус Тошкент Давлат педагогика университетининг тарих факультети талабалари томонидан қизгин маъқулланди.

Даврон НУРМАТОВ

Тошкент Оқшоми

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълолар: 233-28-95,
факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
021-рақам билан рухсатга олинган

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почтаамтига» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 256

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди.
13075 нускада босилди.

Қороз бичими А-2

Нашр учун масъул
Д. Исроилов

Тошпириш вақти: 13.00

Босишга тошпирилди: 13.50

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Қорхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акматали АҚМОВ